**Наманган муҳандислик-технология институти**
**Кенгашининг 6/5.1-сонли**
**ҚАРОРИ**

**2022 йил 28 январ** **Наманган шаҳри**

**Д.Хошимова, Б.Эргашев ва О.Собировларга ижодий таътил бериш тўғрисида.**

Мазкур масала юзасидан институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори У.Мелибоев ахборот берди ва қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:ўқув курсии

Ҳурматли Кенгаш аъзолари! “Чет тиллар” кафедраси мудири Д.Хошимова таянч докторантлари Ш.Шерғозиев ва М.Каримовларнинг тадқиқот ишларини якунлаш ва кафедра муҳокамасига қўйиш ҳамжа 1 та дарслик ва 1 та ўқув қўлланмани якунлаб кенгаш муҳокамасига киритиш, шунингдек TESOL ўқув курсини тамомлаш учун ижодий таътил олишга ариза берган ва Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари технологияси факультети декани А.Пирназаров томонидан билдиришнома берилган.

“Информацион технологиялар” кафедраси доценти Эргашев Бобиржон Боходирович “Профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик стратегиясини лойиҳалаштириш” мавзусидаги педагогика фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация ишини олиб бормоқда. Диссертация ишини якунлаш ва ҳимоя қилиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Б.Эргашев ушбу мавзу бўйича жами 37 та илмий ишлар, 2 та монография ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 18 та мақола, шу жумладан, 9 та хорижий, 9 та республика микёсидаги журналларда чоп эттирган, 2 та Интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаларини олган. Б.Эргашевга ижодий таътил олиш тўғрисида “Информацион технологиялар” кафедраси мудири У.Эркабоев томонидан билидиришнома берилган.

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти Собиров Отабек Олимжонович “Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа докторлик (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация ишини олиб борилмоқда. Диссертация ишини якунлаш ва ҳимоя қилиш учун тайёргарлик ишларини олиб бормоқда. О.Собиров ушбу мавзуга оид 20 та мақола (12 та республика, 8 хорижий журнал), 14 та конференция тезис (9 та республика, 5 та халкаро) лари чоп эттирган. Мутахассислик ва хорижий тиллардан малакавий имтиҳонларни топширган. О.Собировга ижодий таътил олиш тўғрисида “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири У.Турсунов томонидан билидиришнома берилган.

Шуларни инобатга олган ҳолда режалаштирилган ўқув-услубий ва илмий ишларини якунига етказиш учун Д.Хошимова, Б.Эргашев ва О.Собировлар 2 ой муддатга ойлик маошлари сақланган ҳолда ижодий таътил бериш максадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, институт Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори У.Мелибоевнинг ахбороти ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари технологияси факультети декани А.Пирназаров, “Информацион технологиялар” кафедраси мудири У.Эркабоев ва “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири У.Турсунов билдиришномалари маълумот ва асос учун қабул

**Наманган муҳандислик-технология институти**
**Кенгашининг 5/6.3-сонли**
**ҚАРОРИ**

**2022 йил 26 декабр** **Наманган шаҳри**

**“Иқтисодиёт” кафедраси мудири Р.Рашидовга ижодий таътил бериш тўғрисида.**

Мазкур масала юзасидан институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори О.Эргашев ахборот берди ва қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

Ҳурматли Кенгаш аъзолари! “Иқтисодиёт” кафедраси мудири Рашидов Рахматулло Аъложонович “Инновацион иқтисодиёт шароитида кичик бизнесни ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация ишини олиб бормоқда. Диссертация ишини якунлаш ва ҳимоя қилиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Р.Рашидов ушбу мавзу бўйича жами 76 та илмий ишлар, 8 та монография, 2 та ўқув қўлланма ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 23 та мақола, шу жумладан, 13 та хорижий, 10 та республика миқёсидаги журналларда чоп эттирган, 13 та АКТ патент гувоҳномаларини олган.

Р.Рашидовга ижодий таътил бериш тўғрисида “Иқтисодиёт” кафедраси мудири Р.Рашидов томонидан ариза берилган. Шуларни инобатга олган ҳолда режалаштирилган илмий ишларини якунига етказиш учун Р.Рашидовга 3 ой муддатга ойлик маошлари сақланган ҳолда ижодий таътил бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, институт Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори О.Эргашевнинг ахбороти ҳамда “Иқтисодиёт” кафедраси мудири Р.Рашидов аризаси маълумот ва асос учун қабул қилинсин.
2. “Иқтисодиёт” кафедраси мудири Рашидов Рахматулло Аъложонович 2023 йил 1 январдан 2023 йил 31 мартга қадар ойлик маошлари сақланган ҳолда ижодий таътил берилсин.
3. Ижодий таътил давомида кафедра мудири вазифасини вақтинча бажариш кафедра доценти Ш.Мухитдиновга топширилсин, Р.Рашидовнинг ўқув юкламалари кафедра профессор-ўқитувчилари ўртасида жамоатчилик асосида тақсимлансин.

**Масъул:** К.Маткаримов, Ш.Мухитдинов
**Муддати:** 1 ҳафта

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори О.Эргашев зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **О.О.Маматкаримов**

**Кенгаш котиб** **А.А.Юлдашев**

[illegible] 23.12.22

Наманган муҳандислик технология институти ректори О. О. Маматкаримовга "Иқтисодиёт" кафедраси мудири Ф. А. Пошшоховдан

# Ариза

Мени 2023 йил 1 январдан 2023 йил 1 мартгача қадар докторлик диссертациясини якунига етказиш мақсадида ижодий таътилга чиқишимга рухсат беришингизни сўрайман.

23. 12. 2022. (имзо) Ф. Пошшохов

**Наманган муҳандислик-технология институти**
**Кенгашининг 4/4.3-сонли**
**ҚАРОРИ**

**2022 йил 30 ноябр** **Наманган шаҳри**

**“Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедраси профессори С.Мисировани ижодий таътилдан қайтариб олиш тўғрисида.**

Мазкур масала юзасидан институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори О.Эргашев ахборот берди ва қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:ўқув курсии

Ҳурматли Кенгаш аъзолари! “Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедраси мудири Мисирова Сурайё Абдумуталовна “Лола (Tulipa L.) ва орхидея (Orchidaceae L.) ўсимлигини биохилма-хиллиги ва Ўзбекистон шаритида кўпайтириш технологияси” мавзусидаги қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация ишини олиб бормоқда. Диссертация ишини якунлаш учун С.Мисировага институт Кенгашининг 2022 йил 28 сентябрдаги 2/4.5-сонли Қарори билан 3 ой муддатга (2022 йил 1 октябрдан 2022 йил 31 декабрга қадар) ойлик маошлари сақланган ҳолда ижодий таътил берилган эди.

Тадқиқотчи фойдаланилмаган 1 ой муддатни 2023 йилда фойдаланиш учун ўтказиш ҳамда 2022 йил 1 декабрдан иш фаолиятини давом эттириш бўйича ариза билан мурожаат қилган.

Тадқиқотчининг аризасини инобатга олиб, ижодий таътилнинг қолган 1 ой қисмини 2023 йилда фойдаланиш учун ўтказиш таклиф қилинди.

Таклиф Кенгаш аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, институт Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори О.Эргашевнинг ахбороти ҳамда “Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедраси мудири С.Мисирова аризаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедраси мудири Мисирова Сурайё Абдумуталовнани фойдаланмаган 1 ой ижодий таътил муддати 2023 йилда фойдаланиш учун ўтказилсин.

**Масъул:** А.Пирназаров, О.Ахмаджонов

**Муддати:** 1 ҳафта

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори О.Эргашев зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **О.О.Маматкаримов**

**Кенгаш котиб** **А.А.Юлдашев**

Эргашев
Азолдашев
28.11.22г.

НамМТИ ректори
проф. О.О. Маматкаримовга
МБК кафедраси мудири
доцент. С.А. Насировадан

Ариза

Мени ариза ёзишимдан мақсадим шуки, илмий тадқиқот ишими якунлаш учун уч ой таътил олган эдим (октябр, ноябр, декабр). Ҳозирги кунда икки ойидан фойдаландим (октябр, ноябр). Шахсий сабабларга кўра бир ой таътилни кейинги ойга суриб беришингизни сўрайман.

Ҳурмат билан! С. Насирова
26.11.2022й.

Рухсат беришингизни
сўрайман
О. Эргашев

**Наманган муҳандислик-технология институти**
**Кенгашининг 3/5.5-сонли**
**ҚАРОРИ**

**2022 йил 29 октябр** **Наманган шаҳри**

**“Физика” кафедраси ассистенти Ж.Мирзарайимовга ижодий таътил бериш тўғрисида.**

Мазкур масала юзасидан институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори О.Эргашев ахборот берди ва қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: ўқув курсии

Ҳурматли Кенгаш аъзолари! “Физика” кафедраси ассистенти Мирзарайимов Жаҳонгир Зокиржановични “Cu ва Ir атомлари билан микро нобиржинсли легирланган кремнийнинг электрофизик ва рекомбинация хоссалари” мавзусидаги 01.04.07-конденсирланган ҳолат физикаси мутахассислиги физика-математика фанлари йўналиши бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация ишини олиб бормоқда. Ҳозирда диссертация ишини якунлаш ва ҳимоя қилиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ж.Мирзарайимов ушбу мавзу бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, шу жумладан, 3 та хорижий, 4 та республика миқёсидаги журналларда чоп эттирган.

Ж.Мирзарайимовга ижодий таътил бериш тўғрисида “Физика” кафедраси мудири П.Усманов томонидан билидиришнома берилган. Шуларни инобатга олган ҳолда режалаштирилган илмий ишларини якунига етказиш учун Ж.Мирзарайимовга 1 ой муддатга ойлик маошлари сақланган ҳолда ижодий таътил бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, институт Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори О.Эргашевнинг ахбороти ҳамда “Физика” кафедраси мудири П.Усманов билдиришномаси маълумот ва асос учун қабул қилинсин.
2. “Физика” кафедраси ассистенти Мирзарайимов Жаҳонгир Зокиржановичга 2022 йил 1 ноябрдан 2022 йил 1 декабрга қадар ойлик маошлари сақланган ҳолда ижодий таътил берилсин.
3. Ижодий таътил давомида Ж.Мирзарайимовнинг ўқув юкламалари кафедра профессор-ўқитувчилари ўртасида жамоатчилик асосида тақсимлансин.

**Масъул:** А.Мамаханов, П.Усманов

**Муддати:** 1 ҳафта

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор У.Мелибоев зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **О.О.Маматкаримов**

**Кенгаш котиб** **А.А.Юлдашев**

[illegible]

Nam.MTI rektori
O.O. Mamatkarimovga
Fizika kafedrasi
assistenti Mirzarayimov
Jahongirdan

# Ariza.

Men ariza yozishimdan maqsadim shuki „Cu va Ir atomlari bilan mikronobirjinsli legirlangan kremniyni elektrofizik va rekombinatsiya xossalariga tasiri" mavzusidagi ilmiy ishim yakuniy bosqichga kelganligi, dissertatsiya yuzasidan ilmiy seminarlarni ötkazish va himoyaga tayyorgarlik körish maqsadida noyabr oyi uchun ijodiy ta'til berishingizni soraymen.

Mirzarayimov J.Z.

Рухсат беришингизни сўрайман

Qarshi emasman!
Fizika kafedrasi
mudiri: П. Усмонов

Қарши эмасман
Маматахонов

| № | ДУШАНБА | СЕШАНБА | ЧОРШАНБА | ПАЙШАНБА | ЖУМА | ШАНБА |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | Физика (21а-22) Т С.Боқиев 217 | | Физика (4д-22) Т/ Б.Ўктамалиев 219 | |
| 2 | Физика (13б-22) А Б.Султонов 9.202 | Физика (13а-22) Т Ж.Нематуллаев 219 | | Физика (4б-22) А/ А.Нишонов 204 | Физика (4а-22) Т/ Б.Ўктамалиев 214 | |
| 3 | Физика (13а-22) А Ж.Нематуллаев 9.303<br>Физика (4д-22) А/ С.Боқиев 413 | Физика (13а-22) Т Ж.Нематуллаев 219 | Физика (4б-22) Т Ш.Неъматжонов 211 | | Термодинамика (17g-21) Т. Б.Ўктамалиев 218 | |
| 4 | | | О.Холмирзаев (17g-21) Т. 4/402 | Физика (21б-22) Т О.Холмирзаев 219 | Физика (4а-22) А/ Б.Ўктамалиев 211 | |

**24.10.-29.10.22/ махраж** **31.10-05.11.22 /сурат** **07.11-12.11.22/ махраж** **15.11-19.11.22 /сурат**

**21.11-26.11.22/ / махраж** **28.11-3.12.22 /сурат**

**Кафедра мудири:** **П.Усманов**

**Наманган муҳандислик-технология институти**
**Кенгашининг 2/4.5-сонли**
**ҚАРОРИ**

**2022 йил 28 сентябр** **Наманган шаҳри**

**“Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедраси профессори С.Мисировага ижодий таътил бериш тўғрисида.**

Мазкур масала юзасидан институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори У.Мелибоев ахборот берди ва қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:ўқув курсии

Ҳурматли Кенгаш аъзолари! “Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедраси мудири Мисирова Сурайё Абдумуталовна “Лола (Tulipa L.) ва орхидея (Orchidaceae L.) ўсимлигини биохилма-хиллиги ва ўзбекистон шаритида кўпайтириш технологияси” мавзусидаги қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация ишини олиб бормоқда. Диссертация ишини якунлаш ва ҳимоя қилиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. С.Мисирова ушбу мавзу бўйича жами 76 та илмий ишлар, 11 та монография, 7 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма, ? та тавсиянома ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 33 та мақола, шу жумладан, 11 та хорижий, 22 та республика миқёсидаги журналларда чоп эттирган, 3 та АКТ патент гувоҳномаларини олган.

С.Мисировага ижодий таътил бериш тўғрисида “Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедраси мудири С.Мисирова томонидан билидиришнома берилган. Шуларни инобатга олган ҳолда режалаштирилган илмий ишларини якунига етказиш учун С.Мисировага 3 ой муддатга ойлик маошлари сақланган ҳолда ижодий таътил бериш максадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, институт Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори У.Мелибоевнинг ахбороти ҳамда “Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедраси мудири С.Мисирова билдиришномаси маълумот ва асос учун қабул қилинсин.
2. “Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедраси мудири Мисирова Сурайё Абдумуталовна 2022 йил 1 октябрдан 2022 йил 31 декабрга қадар ойлик маошлари сақланган ҳолда ижодий таътил берилсин.
3. Ижодий таътил давомида кафедра мудири вазифасини вақтинча бажариш кафедра доценти Н.Меланова топширилсин, С.Мисированинг ўқув юкламалари кафедра профессор-ўқитувчилари ўртасида жамоатчилик асосида тақсимлансин.

**Масъул:** А.Пирназаров, С.Меланова

**Муддати:** 1 ҳафта

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор У.Мелибоев зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **О.О.Маматкаримов**

**Кенгаш котиб** **А.А.Юлдашев**

Эргашевга
Холдоровга
[signature] 20.09

НамМТИ ректори
проф. О.О.Маматкаримовга
МБК кафедраси мудири
доц С.А. Мисировадан.

# Билдиришнома

Мени докторлик (DSc) „Лола (Tulipa L.) ва орхидея (Orchidaceae J.) ўсимликлари-нинг биокимё-химияси ва уни Ўзбекистон шароитида кўпайтириш технологияси" мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларим туғаллигини инобатга олиб Тошкент Давлат Аграр Университетидаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04. рақамли илмий кенгашда „06.03.01-Ўрмон экинлари, селекция уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш Ўрмон агромелиорацияси ва химоя ўрмонларини барпо этиш" йўналиши бўйича қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун 01.10.2022 йилдан 31.12.2022 йилга қадар ойлик маош сақланган ҳолда ижодий таътил берилишингизни сўрайман.

Кафедра мудирлик ва дарс соати тақсимоти МБК кафедрасининг 15.09.2022 йилдаги йиғилиш баённомасида келтирилган.

15.09.2022 й [signature] С.А. Мисирова.

Рухсат беришингизни сўрайман
[signature] О.Эргашев

[signature]
Ч. Мирзаев

Наманган муҳандислик-технология институти
“Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедрасининг
навбатдан ташқари йиғилиши

## БАЁННОМАСИ

2022 йил 15 сентябр — Наманган шаҳри

***Қатнашдилар:*** кафедра мудири С.Мисирова, проф.М.Юсупова, проф Насритдинов, доц.Н.Меланова, доц. Сакинах Бинти Абдуллах, катта ўқитувчи И.Қурбанов ва ассистентлар М.Давлатова, И.Джураев, Ш.Ирисова кабинет мудири З.Кучкаровалар.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Кафедра мудири С.Мисированинг илмий тадқиқот ишлари тугаганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ижодий таътилга чиқиши.
2. Кафедра мудири С.Мисированинг кафедра мудирлик лавозими доц Н.Мелановага юклатилиши ва дарс соатларининг тақсимланиши.
3. 2022-2023 ўқув йилида кафедрада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларни меъёрий хужжатларини мавжудлиги ва дарсларни сифатли ташкил қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида.
4. Кафедра профессор–ўқитувчиларининг 2022 йилдаги рейтинг кўрсаткичларини бажарилиши.

Турли масалалар:

А)“Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” йўналишига қабул қилинган талабаларни тўлов-шартномаларини шакллантириш.

Б)Кафедра катта ўқитувчиси И.Қурбоновни ИТИ нинг бажарилиши.

Юқоридаги биринчи масала юзасидан кафедра мудири С.Мисирова илмий тадқиқот ишлари тугаганлиги, Тош ДАУ даги DSc 05/29.04.2022 Qx.13.04 рақамли илмий кенгашда “06.03.01 Ўрмон экинлари. Селекция уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмон агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо этиш” йўналиши бўйича Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун 01.10.2022 йилдан 31.12.2022 йилга қадар ойлик маош сақланган ҳолда ижодий таътилга чиқишини маълум қилди. Вақтинча кафедра мудири лавозимини кафедра доценти Н.Меланова бажаришини айтиб ўтди. С.Мисированинг дарс соатлари қуйидаги профессор-ўқитувчиларга тақсимланди:

1. Манзарали ўсимликлар энтомологияси ва фитопатология 10у,ау-20-И.Джўраев;
2. Манзарали ўсимликлар энтомологияси ва фитопатология 10у,ау-21-И.Джўраев;

3. Гулчилик 10у,ау-19 И.Қурбановларга юклатилди. Барча профессор-ўқитувчилар бир овоздан тасдиқлашди.
кафедрада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларни фанлар бўйича меъёрий хужжатлари мавжудлиги тасдиқланганлиги ва дарсларсларга тўлиқ хужжатлар билан сифатли дарсларни ташкил этиш кераклиги тўғрисида фикр юритди. Ҳар бир профессор-ўқитувчилар фанлари бўйича ўқув-услубий мажмуа, ўқув услубий кўрсатмаларини рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳам гапириб ўтилди. Йиғилиш давомида профессор А.Насритдинов сўз олиб айтилган топшириқларни тўлиқ бажарилганлиги камчиликлар қолмагани ҳақида айтиб ўтди.

Кейинги масала юзасидан Жумладан, 2022 йилда халқаро илмий журналларда чоп этилган илмий мақолалар, 2022 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссия рўйхатига киритилган халқаро илмий журналларда чоп этилган илмий мақолалар, 2022 йилда Республика илмий журналларидаги (ОАК рўйхатидаги) илмий мақолалар, 2022 йилда профессор-ўқитувчилар томонидан ахборот-коммуникация технологияларига оид дастурлар ва электрон маълумотлар базалари учун олинган гувоҳномалар, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинган турли материаллар, профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўқув қўлланмалар.

“Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” йўналишига тўлов-шартнома асосида қабул қилинган талабаларни тўловини тўлашга маъсул этиб кафедра профессор-ўқитувчилари бириктирилди.
Кафедра катта ўқитувчиси И.Қурбоновнинг илмий тадқиқот ишларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботи тингланди. Навбатдаги масала юзасидан кафедра ассистенти И.Қурбонов сўзга чиқиб, олиб бораётган илмий иши тўғрисида маълумот берди. Наманган шароитида Нидерландиядан келтирилган лола гулларини кўпайтириш бўйича 2019 йилдан 2022 йилга қадар илмий тадқиқот ишларини олиб боргани,ушбу илмий тадқиқот ишлари “Наманган гулчиликни ривожлантириш маркази” ва Нидерландия давлати билан ҳамкорликда очилган “Ligthartulips-Namangan” МЧЖ қўшма корхонасида олиб борганлигини айтиб ўтди. Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижаларига кўра Ўзбекистон иқлим шароитида Нидерландиядан келтирилган лола пиёзларининг Spar,Barbara,Sobel,Givency spar навлари экиш учун тавсия этилмайди.NS Pride,Crw 18,Dana winner,Purple cloud,Piet paulusma навдаги лола пиёзлари эса экиш учун тавсия этилишини, ушбу лола етиштириш технологияси Ўзбекистонда илк бор катта майдонда лола плантациясини етиштиришнинг янги технологияси этиб белгиланди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилгани ҳақида маълумот берди.

С.Мисирова сўзи давомида барча профессор-ўқитувчилар янада маъсулият билан ишга ёндошиш кераклигини айтиб ўтди.

Илмий-тадқиқот, устоз-шогирд ишларининг бажарилиш холати бўйича, назорат ва мониторинг бўлими текшириши, камчиликларимизни бартараф этиш бўйича таъкидлаб ўтилди.

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кафедра мудири С.А.Мисированинг илмий ишлари якунланганлиги муносабати билан 01.10.2022 йилдан 31.12.2022 йилга қадар ижодий таътил берилиши ва кафедра мудирлик вазифаси кафедра доценти Н.Мелановага юклатилиши факультет кегашида куриб чиқилсин.
2. Кафедра мудири С.Мисированинг дарс соатлари қуйидаги профессор-ўқитувчиларга тақсимлансин: Манзарали ўсимликлар энтомологияси ва фитопатология 10у,ау-20- И.Джўраев; Манзарали ўсимликлар энтомологияси ва фитопатология 10у,ау-21-И.Джўраев; Гулчилик 10у,ау-19 И.Қурбановларга юклатилсин.
3. 2022-2023 ўқув йилида кафедрада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларни меъёрий хужжатларини мавжудлиги ва дарсларни сифатли ташкил қилиш бўйича олиб борилаётган ишларини назорат қилиш кафедра мудири Н.Меланова зиммасига юклатилсин.
4. Кафедра профессор–ўқитувчиларининг 2022 йилдаги рейтинг кўрсаткичларини бажарилиши маълумот учун қабул қилинсин ва уни назорат қилиш кафедра мудири Н.Меланова зиммасига юклатилсин.

А)"Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш" йўналишига қабул қилинган талабаларни тўлов-шартномаларини шакллантириш кафедра профессор-ўқитувчиларига бириктирилсин.

Б)Кафедра катта ўқитувчиси И.Қурбоновни ИТИ нинг бажарилишини назорати кафедра мудири зиммасига юклатилсин.

**Йиғилиш раиси:** С.Мисирова

**Йиғилиш котиби:** З.Кучкарова

**Наманган муҳандислик-технология институти**
**Қишлоқ хўжалиги махсулотлари технологияси факультети**
**кенгашининг 2/5.2-сонли**
**ҚАРОРИДАН КЎЧИРМА**

**2022 йил 16 сентябр** **Наманган шаҳри**

**Манзаралик боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш кафедраси мудири С.Мисированинг қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) децертация ишини якунлаш ва ҳимоя қилиши учун ижодий таътилга таъвсия этиш тўғрисида.**

Мазкур масала юзасидан факультет декани А.Пирназаров ахборот берди ва қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

С.Мисирова илмий тадқиқот ишларини тугатаётганлиги ва Тош ДАУ даги DSc 05/29.04.2022 Qx.13.04 рақамли илмий кенгашда "06.03.01 Ўрмон экинлари. Селекция уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмон агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо этиш" йўналиши бўйича Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун 01.10.2022 йилдан 31.12.2022 йилга қадар ойлик маош сақланган ҳолда ижодий таътилга чиқишни сўраган.

Ҳақиқитдан ҳам С.Мисирова тадқиқот ишларини бажариб, ижобий натижаларга эришган. Тадқиқот натижаларини ОАК талабларига мувофиқ чоп эттирган.

Кафедра ишларини ташкил этишни вақтинча кафедра доценти Н.Меланова бажаришини кафедра йиғилишида қўллаб қувватланган ҳамда С.Меланова ҳам розилик билдирган. Дарс соатлари профессор-ўқитувчиларга тақсимланган.

Ушбу масала юзасидан ҚХМТ кафедраси мудири А.Мирзаев ҳам фикр билдириб, С.Мисирова қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун етарлича тадқиқот ишларини ўтказганлигини инобатга олиб барчани ушбу масала юзасидан қўллаб қувватлаб, институт Илмий Кенгашига тавсия этишга чақирди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, институт Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Факультет декани А.Пирназаровнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Манзаралик боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш кафедраси мудири С.Мисированинг қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) децертация ишини якунлаш ва химоя қилиши учун 01.10.2022 йилдан 31.12.2022 йилга қадар ойлик маош сақланган ҳолда ижодий таътил беришни институт Илмий Кенгашидан навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинишини сўралсин.
3. Кафедра ишларини ташкил этишни вақтинча кафедра доценти Н.Меланова юклатилсин.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни факультет декани зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси:** **А.Пирназаров**

**Кенгаш котиби:** **А.Саламов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI NAMANGAN MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI
Qishloq xo'jaligi mahsulotlari texnologiyasi fakulteti

қилинсин.

2. Ўқув-услубий ва илмий ишларни якунлаш учун “Чет тиллар” кафедраси мудири Хошимова Дилдора Мадаминовна, “Информацион технологиялар” кафедраси доценти Эргашев Бобиржон Боходирович ҳамда “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти Собиров Отабек Олимжоновичларга 2022 йил 1 февралдан 2022 йил 31 март кунига кадар ойлик маошлари сақланган ҳолда ижодий таътил берилсин.

3. Ижодий таътил давомида Д.Хошимова, Б.Эргашев ва О.Собировларнинг ўқув юкламалари кафедра профессор-ўқитувчилари ўртасида жамоатчилик асосида тақсимлансин.

**Масъул:** А.Пирназаров, У.Эркабоев, У.Турсунов

**Муддати:** 1 ҳафта

4. Хошимова Дилдора Мадаминовнанинг ижодий таътили давомида “Чет тиллар” кафедраси мудири вазифасини вақтинча бажариш Холмирзаев Бахтиёр Мирзамахмудович зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор У.Мелибоев зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **О.О.Маматкаримов**

**Кенгаш котиб** **А.А.Юлдашев**

НамМТИ ректори проф.О.О.Маматкаримовга
ҚҲМТ декани А.Пирназаровдан

**Б И Л Д И Р И Ш Н О М А**

“Чет тиллар” кафедраси мудири Д.М.Хошимовани 18.01.22 кунидан 18.03.22 кунига қадар таянч докторантлар Ш.Шерғозиев ва М.Каримовларнинг тадқиқот ишларини якунлаш ва кафедра муҳокамасига қўйиш, 1 та дарслик ва 1 та ўқув қўлланмани якунлаб, кенгашга топшириш ҳамда TESOL ўқув курсини тамомлаб дипломини олиш учун ижодий таътилга чиқишига руҳсат беришингизни сўрайман.

Декан: А.Пирназаров

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI NAMANGAN MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI
Qishloq xo'jaligi mahsulotlari texnologiyasi fakulteti

НамМТИ ректори
проф. О.О. Маматқориевга
"Чет тиллар" кафедраси
мудири Д.М. Холиқовадан

# Ариза

Мени ариза ёзишимдан мақсадим шуки, менга 18.01.22 кунидан 18.03.22 кунига қадар таянч докторантлар Ш. Шерғозиев ва М. Каримовларнинг диссертация ишларини якунлаш ва кафедра муҳокамасига қўйиш, 1та дарслик ва 1та ўқув қўлланмаларни тайёрлаб, кейинчалик топшириш ҳамда TESOL курсини тамомлаб дипломни қўлга киритишга учун ижодий таътил олишимга рухсат беришингизни сўрайман.

Д.М. Холиқова [signature]

НамМТИ ректори

проф. О.О.Маматкаримовга

“Информацион технологиялар” кафедраси

мудири У.И.Эркабоевдан

**БИЛДИРИШНОМА**

Сизга шуни маълум қиламанки, “Информацион технологиялар” кафедраси доценти, т.ф.н. Б.Б.Эргашевнинг 13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси ихтисослиги “Профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик стратегиясини лойиҳалаштириш ” мавзусидаги докторлик (DSc) диссертация ишини DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 рақамли Илмий кенгашда химоя қилиш учун 2022 йил 24 январдан бошлаб иш ҳаққи сақланган ҳолда ижодий таътил беришингизни ва Илмий Кенгашга тақдим этишингизни сўрайман.

Асос: DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 рақамли Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар баённомаси.

Кафедра доценти Б.Эргашевни илмий кенгашга тақдим этган аризаси.

**Кафедра мудири:** **ф.-м.ф.д., доц. У.И.Эркабоев**

19.01.2022

НамМТИ ректори
проф. О.О. Маматкаримовга
„Информацион технология"
кафедраси доценти
Б. Эргашевдан

# Ариза

Мени 2022 йил 24 январдан бошлаб икки ой муддатга иш ҳаққим сақланган ҳолда, „Профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик стратегиясини такомиллаштириш" мавзусидаги фан доктори (DSc) диссертация ишини ниҳоя қилиш учун ижодий таътил олишни илмий кенгашга тақдим этишингизни сўрайман.

Асос: 2021 йил 27 декабрдаги DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 рақамли Илмий кенгаш қошидаги 13.00.05-Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича илмий семинар баённомаси.

Б.Эргашев

20.01.2022й.

"Информацион технологиялар" кафедраси доценти Б. Эргашевни педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси ҳимоя қилиш учун ижодий таътилга чиқиш муносабати билан кафедра профессор-ўқитувчиларига дарсларнинг тақсимоти:

| № | Фан номи | Гуруҳ | Соат | Ф.И.Ш. | Имзо |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ахборот-коммуникация тизимларини лойиҳалаш (Маъруза) | 21у,ау-18 | 24 | Рахимов Р | |
| 2. | Ахборот-коммуникация тизимларини лойиҳалаш(Лабора-тория машғу-лоти) | 21у,ау-18 | 24 | Рўзиматов С | |
| 3. | Интеллектуал бошқариш тизимлари(Маъруза) | 16М-21 | 30 | Қодиров Д | |
| 4. | Интеллектуал бошқариш тизимлари (Амалий машғулот) | 16М-21 | 30 | Қодиров Д | |
| 5. | Электроника, схемотехника ва микропроцессорли воситалар (Маъруза) | 16с,ас-20 | 6 | Хайдаров Б | |
| 6. | Электроника, схемотехника ва микропроцессорли воситалар(Амалий машғулот) | 16с,ас-20 | 12 | Хайдаров Б | |
| 7. | Электроника, схемотехника ва микропроцессорли воситалар (Маъруза) | 16у -19 | 32 | Тўхтасинов Д | |
| 8. | Электроника, схемотехника ва микропроцессорли воситалар (Лабора-тория машғу-лоти) | 16у -19 | 16 | Тўхтасинов Д | |

Информацион технологиялар кафедраси мудири доц. У.Эркабоев

Наманган муҳандислик-технология
институти ректори, профессор
О.О.Маматкаримовга
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси
мудири У.Турсуновдан

# БИЛДИРИШНОМА

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти Собиров Отабек Олимжонович иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация ишини якунлагани ва ҳимоя қилиш босқичида экани муносабати билан унга 2022-йилнинг 1-февралидан 2 (икки) ой муддатга ижодий таътил берилишига рухсат беришингизни сўрайман.

Кафедра мудири: У.Турсунов 28.01.2022 йил.

Наманган муҳандислик-технология институти

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг навбатдан ташқари йиғилиш

**Б А Ё Н Н О М А С И**

Наманган шаҳри 28 январ 2022 йил

**ҚАТНАШДИЛАР:**

Кафедра мудири У.Турсунов, и.ф.д., профессор Ш.Саидбоев, и.ф.н., доцентлар: Б.Шарипов, И.Насриддинов, Х.Кадирова, К.Юлдашев, катта ўқитувчилар: Ш.Мамажонов, З.Боймирзаев, Р.Пирматов, А.Инамов, А.Холмирзаев, ассистентлар А.Мамадалиев, Р.Ишимбаев, О.Собиров,А.Ахмедов, Б.Мирзахоликов ва кабинет мудири М.Мурадова.

**КУН ТАРТИБИ:**

1.Кафедра ассистенти Собиров Отабек Олимжановичга ижодий таътил бериш тўғрисида.

Йиғилишни кафедра мудири У.Турсунов кириш сўзи билан очиб, кун тартибида юқоридаги масалани муҳокама қилинишини билдириб ўтди. Йиғилиш раиси кун тартибида белгиланган масала муҳокамаси бўйича бошқа қўшимча ва таклифлар бўлмаса, кун тартибини тасдиқлаб қўйишни таклиф қилди. Кун тартиби йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Кафедра ассистенти Собиров Отабек Олимжанович хозирда и.ф.д.проф.А.Пардаев раҳбарлигида “Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун изланиш олиб бораётганлиги, бугунги кунда ишнинг якуний босқичида Тошкент молия институти қошидаги илмий Кенгашнинг семинаридан ўтаётганлиги ва яқин кунларда ҳимояга чиқаётганлигини ҳисобга олиб икки ой муддатга ижодий таътил берилишини сўраб ариза билан мурожаат қилган. Ушбу масалани ижобий хал этилиши кафедранинг келгусида илмий салохиятини оширишга ёрдам беради.

Ушбу масала бўйича кафедра профессори Ш.Саидбоев, доцентлар Қ.Юлдашев, Х.Кадировалар сўзга чикиб, кафедра ассистенти О.Собировга ижодий таътил бериш таклифини қўллаб кувватладилар.

Юқорида кўриб чиқилган масала юзасидан кафедра йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Кафедра мудири У.Турсуновнинг маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.
2. Кафедра ассистенти О.Собировга 01.02.2022 йилдан 01.04.2022 йилгача ижодий таътил берилишини институт рахбариятидан суралсин.
3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш кафедра мудири У.Турсунов зиммасига юклатилсин.

**Йиғилиш раиси:** **У.Турсунов**

**Котиби:** **М.Мурадова**